

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Урганч давлат университети

Ректори Б.И.Абдуллаев



2022йил.

Энг яхши таклифни танлаш бўйича харид қилиш хужжатлари

“Оролбўйи минтақасида экотуризмни ривожлантириш мақсадида аёлларнинг бизнесдаги иштирокини ва даромад олиш имкониятларини яхшилаш” ЮНЕСКО грантини амалга ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасида семинар тренинглари ташкил этиш учун турпакет хизматини кўрсатиб бериш

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАР БЎЙИЧА ТАНЛАШ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлаш номи: : “Оролбўйи минтақасида экотуризмни ривожлантириш мақсадида аёлларнинг бизнесдаги иштирокини ва даромад олиш имкониятларини яхшилаш” ЮНЕСКО грантини амалга ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасида семинар тренинглар ташкил этиш учун турпакет хизматини кўрсатиб бериш

Хизматнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 84 374 784 (саксон тўрт миллион уч юз етмиш тўрт минг етти юз саксон тўрт) сўм.

Ишларни бажариш муддати –60 кун.

Буюртмачи: Урганч давлат университети (УрДУ)

Молиялаштириш манбаи: Бюджетдан ташқари, ЮНЕСКО гранти маблағлари ҳисобидан.

Танлашни ўтказиш шакли:

Балл усули–энг яхши таклифни ташлаш учун иштирокчилар томонидан **etender.uzex.uz** махсус ахборот портал орқали электрон берлиган таклифининг техник ва квалификацион ҳамда нарх қисимларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг юқори балл тўплаган иштирокчини ғолиб сифатида аниқлайди.

Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили:

Танлаш **etender.uzex.uz** порталида электрон шаклда ўтказилади

Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар

- Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида солиқ органлари томонидан тақдим қилинган маълумотнома (ушбу маълумотнома танлов эълон қилинган кундан кейин олинishi шарт);
- Танлаш иштирокчиси томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик, банкротлик, қайта ташкил этиш ёки тугатиш босқичида эмаслиги ва инсофсиз етказиб берувчиларнинг ягона реестрида йўқлиги тўғрисида кафолат хати;
- Молиявий кўрсаткичлар тўғрисида маълумот (2021 йил учун йиллик баланс ва молиявий натижалар ҳисоботи);
- Танлов иштирокчиси туристик фаолият бўйича камида уч йиллик малакага эга бўлиши ва охириги уч йилдаги шу хизмат тури бўйича бажарилган ишлар тўғрисида маълумот тақдим қилиш (ушбу фаолият бўйича тузилган шартномалар ва уларнинг счет фактураларини илова қилган ҳолда);
- Танлов иштирокчисининг балансида бўлган транспорт воситалари тўғрисида маълумот (транспорт воситасининг техник паспорти, ёки ижара шартномаларини илова қилган ҳолда);
- Танлов иштирокчисининг туристик фаолият билан шугулланиш учун олган лицензияси нусхаси;
- Танлов иштирокчисининг юридик шахс ташкил қилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси нусхаси;
- Танлов иштирокчисининг семинар тренинглари ўтказиладиган ҳудудларда жойлашган меҳмонхоналар билан тузган шартномалари нусхаси;

Боғланиш учун алоқа маълумотлари ва манзили:

Урганч ш. Х.Олимжон кўча, 14 уй, 220100

УрДУ Бош ҳисобчи ўринбосари – Курязов Эргаш Қадамбаевич, тел: 62 2246695

Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт:
Ушбу эълон махсус ахборот порталида белгиланган муддати тугайдиган сана ва вақтгача.

Таклифни расмийлаштиришга доир талаблар.

Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда **etender.uzex.uz** порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ХУЖЖАТЛАРИ

I. Ишларнинг қисқача таърифи

1.1. Танлаш номи: “Оролбўйи минтақасида экотуризмни ривожлантириш мақсадида аёлларнинг бизнесдаги иштирокини ва даромад олиш имкониятларини яхшилаш”

ЮНЕСКО грантини амалга ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасида семинар тренинглар ташкил этиш учун турпакет хизматини кўрсатиб бериш

1.2. Хизматнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 84 374 784 (саксон тўрт миллион уч юз етмиш тўрт минг етти юз саксон тўрт) сўм.

1.3. Ишларни бажариш муддати –60 кун.

1.4. Буюртмачи: Урганч давлат университети (УрДУ)

1.5. Молиялаштириш манбаи: Бюджетдан ташқари, ЮНЕСКО гранти маблағлари ҳисобидан.

II. Ижрочилар билан ҳисоб-китоб тартиби

2.1. Ғолиб билан ҳисоб китоб миллий валютада (сўм) амалга оширилади.

2.2. Танлаш ғолибига шартнома қийматининг 30 % миқдоридан олдиндан тўлов ўтказиб берилади. Қолган маблағлар ишлар тўлиқ бажарилгандан ўтказиб берилади.

III. Танлаш тили

3.1. Танлаш хужжатлари ўзбек тилида ёки заруриятга қараб рус тилида тайёрланади.

IV. Харид қилиш хужжатларига доир тушунтиришлар ва тақдим этиш муддати

4.1. Танлаш бўйича харид қилиш хужжатлари харид комиссияси билан келишган ҳолда давлат буюртмачиси томонидан тасдиқланади.

4.2. Харид қилиш хужжатлари иштирокчилар томонидан **etender.uzex.uz** махсус ахборот портал орқали электрон шаклда тақдим этилади. Тақдим этиладиган хужжатлар тўғрилигига танлаш иштирокчилари жавобгардир. Маълумотларни нотўғри тақдим этган иштирокчилар Қонун хужжатларда белгиланган тартибда жазоланади.

4.3. Танлаш балл усули (техник ва квалификациян ҳамда нарх қисмларини баҳолаш) орқали амалга оширилади ва энг юқори балл тўплаган иштирокчи ғолиб деб топилади.

4.4. Техник қисмда буюртмачи томонидан кўрсатилган талабларни тасдиқловчи хужжатлар электрон (pdf) шаклда махсус ахборот порталнинг “Талаблар” бўлимига юкланади.

Иштирокчилар учун қўйиладиган талаблар:

Т/р	Талаб номи	Тасдиқловчи хужжат
1	Танлов иштирокчисининг туристик фаолият билан шугулланиш учун олган лицензияси	Лицензия нусхаси

2	Охирги уч йилдаги шу хизмат тури бўйича бажарилган ишлари тўғрисида маълумот (ушбу фаолият бўйича тузилган шартномалар ва уларнинг счет фактуралар)	1-шакл*
3	Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома (танлаш эълон қилинган кундан кейин олинishi шарт)	Солиқ инспекцияси маълумотномаси
4	Танлаш иштирокчиси томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик, банкротлик, қайта ташкил этиш ёки тугатиш босқичида эмаслиги ва ноинсоф етказиб берувчиларнинг ягона реестрида йўқлиги тўғрисида қафолат хати	2-шакл*
5	Молиявий кўрсаткичлар тўғрисида маълумот (2020 йил учун йиллик баланс ва молиявий натижалар ҳисоботи)	Солиқ органларининг электрон давлат хизмат порталидан олинган шаклда
6	Танлов иштирокчисининг балансида бўлган транспорт воситалари тўғрисида маълумот	Транспорт воситалари техник паспорти, ёки ижара шартномалари
7	Юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида маълумот	Гувоҳнома нусхаси
8	Танлов иштирокчисининг семинар тренинглари ўтказиладиган ҳудудларда жойлашган меҳмонхоналар билан тузган шартномалари нусхаси	Шартномалар нусхаси

Изоҳ: * Шакллар намунаси 5.2 бандда тақдим этилади

4.5. Нарх қисми махсус ахборот портал томонидан автомат ҳисобланиб балл берилади.

4.6. Таклифларни тақдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана махсус ахборот порталида эълон қилинган кундан бошлаб, белгиланган муддат тугайдиган сана ва вақтгача бўлади.

V. Таклифларни баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби

5.1. Иштирокчилар қўйилган талаблар учун тақдим қилган ҳужжатларига, яъни техник қисмининг миқдорий кўрсаткичлари учун энг юқори 90 балл ва нарх усулининг миқдорий кўрсаткичлари учун энг юқори 10 балл, умумий 100 балл тўплашлари мумкин.

Эслатма: Техник қисмдаги 1, 2, 3, 4, 5, 7 ва 8-талаблардан биронтасидан 0 балл олган иштирокчилар танлашдан четлаштирилади.

Т/р	Талаблар номи	Фоиз	Максимал балл
1	Техник қисм	90%	
	1. Танлов иштирокчисининг туристик фаолият билан шугулланиш учун олган лицензияси		10

2.	Охирги уч йилдаги шу хизмат тури бўйича бажарилган ишлари тўғрисида маълумот (ушбу фаолият бўйича тузилган шартномалар ва уларнинг счет фактуралар)		40
3.	Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома (танлаш эълон қилинган кундан кейин олиними шарт)		5
4.	Танлаш иштирокчиси томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик, банкротлик, қайта ташкил этиш ёки тугатиш босқичида эмаслиги ва ноинсоф етказиб берувчиларнинг ягона реестрида йўқлиги тўғрисида кафолат хати		5
5.	Молиявий кўрсаткичлар тўғрисида маълумот (2020 йил учун йиллик баланс ва молиявий натижалар ҳисоботи)		5
6.	Танлов иштирокчисининг балансида бўлган транспорт воситалари тўғрисида маълумот		10
7.	Юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида маълумот		5
8.	Танлов иштирокчисининг семинар тренинглари ўтказиладиган ҳудудларда жойлашган меҳмонхоналар билан тузган шартномалари нусхаси		10
2	Нарх қисм	10%	100

Техник қисмдан ўтишнинг минимал бали 38 балл.

5.2. Техник қисмни баҳолаш тартиби:

1-талаб. Танлов иштирокчисининг туристик фаолият билан шугулланиш учун олган лицензияси нусхаси электрон (pdf) шаклда махсус ахборот порталнинг “Талаблар” бўлимига юкланади. Лицензия нусхасини тақдим қилган иштирокчи 10 баллни қўлга киритади. Ундан паст тоифа тақдим қилган иштирокчиларга 0 балл ва танлашдан четлаштирилади.

2-талаб. Охирги уч йилдаги шу хизмат тури бўйича бажарилган ишлари тўғрисида маълумот қуйидаги шаклда тасдиқланиб шартнома ва ҳисоб варақ фактуралар нусхалари билан биргаликда электрон (pdf) шаклда махсус ахборот порталнинг “Талаблар” бўлимига юкланади.

Эслатма: Маълумотда олдин кўрсатилган хизматларнинг шартнома ва ҳисоб варақ фактуралар нусхалари илова қилинмаса балл берилмайди. Шунингдек иштирокчилар фақат охирги уч йилдаги иш тажрибаси бўйича ҳужжатларни тақдим қилиши зарур.

1-шакл

Охирги уч йилдаги иш тажрибаси тўғрисида МАЪЛУМОТ

№	Иш ва хизматлар номи	Шартнома қиймати (минг сўм)	Изоҳ
2019 йил			
1			

2			
3			
4			
.			
2020 йил			
1			
2			
3			
.			
2021 йил			
1			
2			
.			

Танлаш иштирокчиси рахбари:
Мухр

_____ Имзо

Тузиш санаси: _____ 2022 й.

Бу талаб бўйича иштирокчиларнинг 1-шаклда тақдим этган иш ва хизматларига асосан шартномалар ўрганиб чиқилади ва ҳар бир шартнома унинг ҳисоб-варақ фактураси учун 4 балл берилади. 10 ва ундан ортиқ шартномаси ва унинг ҳисоб-варақ фактуралари мавжуд иштирокчиларга махсимал 40 балл берилади, аммо биронта шартнома ва унинг ҳисоб-варақ фактураларини тақдим қилмай 0 балл олган иштирокчилар танлашдан четлаштирилади.

3-талаб. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома (танлаш эълон қилинган кундан кейин олинishi шарт) электрон (pdf) шаклда махсус ахборот порталнинг “Талаблар” бўлимига юкланади. Қарздорлик йўқ бўлган иштирокчига 5 балл, агар қарздорлик мавжуд бўса 0 балл берилади танлашдан четлаштирилади.

4-талаб. Танлаш иштирокчиси томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик, банкротлик, қайта ташкил этиш ёки тугатиш босқичида эмаслиги ва ноинсоф етказиб берувчиларнинг ягона реестрида йўқлиги тўғрисида қафолат хати 2-шакл кўринишида тасдиқланиб электрон (pdf) шаклда махсус ахборот порталнинг “Талаблар” бўлимига юкланади. Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича қафолат хатини тақдим қилган иштирокчиларга 5 балл, тақдим қилмаган иштирокчиларга эса 0 балл берилади танлашдан четлаштирилади.

2-шакл

Урганч давлат университети
ректорига

КАФОЛАТ ХАТИ

сизга шуни ёзиб маълум қиладики, бизнинг ташкилот томонидан

(ташкилот номи)

“Оролбўйи минтақасида экотуризмни ривожлантириш мақсадида аёлларнинг бизнесдаги иштирокини ва даромад олиш имкониятларини яхшилаш” ЮНЕСКО грантини амалга ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасида семинар тренинглари ташкил этиш учун турпакет хизматини кўрсатиб бериш бўйича энг яхши таклифни танлаш жараёнида ва хизмат кўрсатиш даврида ҳеч қандай коррупция кўринишларига йўл қўймасликни, ташкилотимиз ушбу даврда банкротлик, қайта ташкил этиш ёки тугатиш босқичида эмаслигини ва инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлигини қафолатлаймиз.

Танлаш иштирокчиси раҳбари:

Мухр

Имзо

5-галаб. Молиявий кўрсаткичлар тўғрисида маълумот (2021 йил учун йиллик баланс ва молиявий натижалар ҳисоботи) тасдиқловчи ҳужжат солиқ органларининг электрон давлат хизмат порталидан олиниб тасдиқланган ҳода электрон (pdf) шаклда махсус ахборот порталнинг “Талаблар” бўлимига юкланади. Маълумот тақдим қилган иштирокчиларга 5 балл, тақдим қилмаган иштирокчиларга эса 0 балл берилади.

6-галаб. Танлов иштирокчисининг балансида бўлган транспорт воситалари (SUV автомобиллар) мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, яъни транспорт воситаларининг техник паспорти нусхаси ёки ижара шартномалари электрон (pdf) шаклда махсус ахборот порталнинг “Талаблар” бўлимига юкланади.

Бу талаб бўйича иштирокчиларнинг тақдим этган ҳужжатлари ўрганиб чиқилади ва ҳар бир транспорт воситаси ҳужжатлари учун 2 балл берилади. 5 ва ундан ортиқ транспорт воситалари мавжуд иштирокчиларга махсимал 10 балл берилади, аммо биронта ҳужжат тақдим қилмай 0 балл олган иштирокчилар танлашдан четлаштирилади.

7-галаб. Танлов иштирокчиси юридик шахс ташкил қилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини тасдиқлаиб электрон (pdf) шаклда махсус ахборот порталнинг “Талаблар” бўлимига юкланади. 4-шакл бўйича қафолат хатини тақдим қилган иштирокчиларга 5 балл, тақдим қилмаган иштирокчиларга эса 0 балл берилади ва танлашдан четлаштирилади.

8-галаб. Танлов иштирокчиси томонидан семинар тренинглари ўтказиладиган ҳудудларда жойлашган меҳмонхоналар билан тузилган шартномалари нусхалари электрон (pdf) шаклда махсус ахборот порталнинг “Талаблар” бўлимига юкланади.

Бу талаб бўйича иштирокчиларнинг шартномалари ўрганиб чиқилади ва ҳар бир шартнома учун 2 балл берилади. 5 ва ундан ортиқ шартномаси мавжуд иштирокчиларга махсимал 10 балл берилади, аммо биронта шартнома тақдим қилмай 0 балл олган иштирокчилар танлашдан четлаштирилади.

5.3. Техник қисмни баҳолаш тартиби:

Нарх қисми махсус ахборот портал томонидан автомот ҳисоблаиб балл берилади.

VI. Яқунловчи қисм.

6.1. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари кўриб чиқилиб, харид комиссияси томонидан тасдиқлангандан сўнг энг юқори балл олган иштирокчиси ғолиб деб топилади.

6.2. Баённома давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилади.

Агар икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаган бўлса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.


Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

ИШТИРОКЧИНИ ЧЕТЛАТИШ ШАРТЛАРИ

- Махсус лицензияга эга бўлмаса;
- Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса;
- Банкротлик, қайта ташкил этиш ёки тугатиш босқичида бўлса;
- Танловни ташкил этиш даврида коррупцион ҳолатларга йўл қўйса ёки аффилиланганлик ҳолатлари аниқланса;
- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилган бўлса;

КЕЛИШИЛДИ

Харид комиссияси раиси:



А. Атажанов


Харид комиссияси аъзолари:



М. Сиддиков



А. Хаитбоев




М. Рўзметов



Х. Шихова



О. Курязов



Э. Курязов

Котиб:



Д. Жуманазаров